

## “КАСБИЙ ТАФАККУР” ТУШУНЧАСИНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ТАЛҚИНИ

Najmiddinova Yoqutxon Ruxiddinovna  
Namangan muhandislik-qurilish instituti  
“Metrologiya va standartlashtirish” kafedrasida dotsenti

**Annotatsiya:** Maqolada talaba-ёшларни касб-хунарга йўналтириш жараёни ташиқлий жиҳати, касб-хунарга йўналтириш жараёнида ташиқи ва ички таъсирларнинг муштараклашуви оқибатида талабада ички позицияни шаклланиши. Бу жараён, энг аввало, касбий ўзликни англашга йўналтирилганлиги. Бўлажак мутахассисларни касб танлашга йўналтириш жараёни,. Ушбу муаммонинг самарали ечими олимий таълим тизимида ёш баркамол авлодни касбий тафаккурини шакллантириши.

**Kalit soʻzlar:** касб-хунарга йўналтириш, ички позиция, касбий ўзликни англаш, касб танлашга йўналтириш, муаммонинг самарали ечими, касбий тафаккур

## ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ-ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ ТРАКТОВКА ПОНЯТИЯ “ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ МЫШЛЕНИЕ”

Нажмиддинова Ёкутхан Рухиддиновна  
Наманганский инженерно-строительный институт  
доцент кафедры «Метрология и стандартизация»

**Аннотация:** В статье рассматривается организационный аспект процесса ориентации студентов на профессию, формирование внутренней позиции студента в результате сочетания внешних и внутренних воздействий в процессе профориентации. Этот процесс, в первую очередь, направлен на реализацию профессиональной идентичности. Процесс ориентации будущих специалистов на выбор профессии. Эффективным решением этой проблемы является формирование профессионального мышления молодого поколения в системе научного образования.

**Ключевые слова:** профессиональная ориентация, внутренняя позиция, профессиональное самосознание, ориентация на выбор профессии, эффективное решение проблем, профессиональное мышление.

Жаҳон мамлакатларида таълим тизими биринчи навбатда давлат ва жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган. Бу эса мазкур йўналишдаги таълим сиёсати ёшларни келажакда рақобатбардош кадрлар бўлиб етишиши учун мақсадли, оптимал равишда касб-хунарга йўналтириш имконини беради. Дунёнинг етакчи илмий тадқиқот марказлари томонидан талаба-ёшларни касб-хунарга йўналтиришнинг ташкилий-педагогик тизимини такомиллаштириш, бўлажак мутахассисларга маълум касб-хунар турларида ўзларини синаб кўриш ва мустақил қарор қабул қилиш имкониятларини кенгайтириш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Масалан, 1913 йилда АҚШда ташкил қилинган Касбга йўналтириш Миллий ассоциацияси (Национал Восатионал Гуидансе Ассоциатсион) – НВГА касбга йўналтириш ва карьера маслаҳати соҳаси бўйича дунёнинг шу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб бораётган етакчи мутахассисларини бирлаштиради. Айнан НСДА касбий маслаҳатчилар фаолияти стандартларини, уларнинг малакавий ва ахлоқий стандартлари ва фаолият принципларини, шунингдек, методик ва ахборот материалларини ҳамда унинг фаолиятига тааллуқли қонун лойиҳаларини ишлаб чиқади [1]. Олий таълим тизимида бўлажак мутахассисларни касб-хунарни тўғри танлашга йўналтириш ишларини ташкил этиш умумий ўқув-тарбия жараёнининг таркибий қисми ҳисобланади. Зеро, касбни тўғри танлаш, уни қувонч ва ижодий илҳом манбаига айлантириш инсон учун ҳам, жамият учун ҳам фойдалидир. Бироқ умумий ўрта таълим тизимида ёшларни касб-хунар танлашга тайёрлашда ҳар бир талаба шахсидаги индивидуал хусусиятларни назарда тутиб, уларнинг руҳиятидаги туғма имкониятлар, ҳаёт давомида таркиб топган ва мустаҳкамланиб, характериға айланиб қолган маълум бир касб-хунарга нисбатан бўлган лаёқат, мойиллик, иқтидор, истеъдод, қобилият, қизиқиш ва ақл-заковат устунликларига қараб касб-хунарни мустақил, эркин танлашга йўналтириш бугунги кунда ҳам долзарб психологик-педагогик муаммолардан бири бўлиб қолмоқда [ 2].

Бизнингча, талаба-ёшларни касб-хунарга йўналтириш жараёни ташкилий жиҳатдан кўпроқ педагогик характерга эга бўлса-да, у мазмунан психологик моҳиятга эга. Чунки барча педагогик тадбирлар (ташқи таъсир) талабанинг касбий ўзлигини англаш ва онгли касб танлаши учун хизмат қилади, унинг касбий ўзлигини англаш жараёни (ички таъсир) эса психологик қонуниятлар асосида кечади. Касб-хунарга йўналтириш жараёнида ташқи ва ички таъсирларнинг муштараклашуви оқибатида талабада ички позиция шаклланади. Демак, бу жараён, энг аввало, касбий ўзликни англашга йўналтирилган.

Таълим амалиётидаги бугунги ҳолатга эътибор берилса, бўлажак мутахассисларни касб танлашга йўналтириш жараёни худдики мажбурий техник тизим бўлиб қолган. Қандай омиллар таъсирида бўлмасин, унинг аҳамияти йўқ, талаба кейинги таълим босқичига ўтса бўлди. Ушбу муаммонинг самарали ечими умумий ўрта таълим тизимида ёш баркамол авлод касбий тафаккурни шакллантиришдир. Яъни талабанинг касб танлаш жараёни ижтимоий-шахсий эҳтиёжлар ва қобилиятлар асосидаги табиий жараёнга айланиши лозим. Шу маънода касбий тафаккур талабада касблар тўғрисидаги билим, тушунча, тасаввурнинг мавжудлиги ва унинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти ҳамда уни танлашга бўлган ўз истеъдод, қобилият, жисмоний имкониятларини тўғри баҳолай олишига хизмат қилади [3].

Талабанинг онгли касб танлаши унда етарли даражадаги умумий тайёргарликка эга бўлган тақдирдагина мумкин бўлади. Касб танлашда турли касблар, уларга қўйиладиган талаблар, бу касбни қаерда эгаллашлари мумкинлиги тўғрисида бўлажак мутахассисларга маълумот бериш катта аҳамиятга эга. Бу эса бўлажак мутахассисларни бирон касбни танлашга онгли муносабатда бўлишга тайёрлайди. Зеро, касб танлаш – жиддий ва масъулиятли иш. Ўз ҳаёт йўлини жиддий суръатда белгилаб олиш осон иш эмас. Ёшлар ўз олдларида ҳақиқий, кенг ҳаёт йўли очилиши учун кўп куч-ғайрат сарфлашлари керак ва энг асосийси ўз кўнгилларига ёққан, жамиятга

зарур ва фойдали ишни танлашлари лозим. Шу боис олий ва ўрта махсус таълимини битираётган йигит ва қизлар қандай касб эгаси бўлиши тўғрисида кўп мушоҳада қиладилар. Ушбу жараён қандайдир даражада ўзида касбий тафаккур жараёнини акс эттиради.

Касбий тафаккур ва унинг шаклланишини ўрганишни фалсафа, психология, педагогика фанлари ҳамкорлигида амалга ошириш ушбу жараённинг самарасини таъминлайди. Бунда бўлажак мутахассисларнинг ақлий фаолиятини ташкил қилиш масаласи катта аҳамиятга эга. Шу сабабли мавжуд адабиётлардан тафаккур, касбий тафаккур, унинг моҳияти, шаклланиш хусусиятлари ва имкониятларини ўрганиб чиқдик.

Тафаккур – инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли; объектив воқеликнинг онгда акс этиш жараёни. Тафаккур атроф-муҳитни, ижтимоий ҳодисаларни, воқеликни билиш курали, шунингдек, инсон фаолиятини амалга оширишнинг асосий шарти саналади. У сезги, идрок, тасаввурларга қараганда воқеликни тўла ва аниқ акс эттирувчи юксак билиш жараёнидир... Тафаккур жараёнида инсонда фикр, мулоҳаза, ғоя, фараз кабилар вужудга келади ва улар шахснинг онгида тушунчалар, ҳукмлар, хулосалар шаклида ифодаланади... Инсон тафаккури орқали воқеликни умумлаштириб, бавосита (билвосита) акс эттиради, нарса ва ҳодисалар ўртасидаги энг муҳим боғланишлар, муносабатлар, хусусиятларни англаб етади. Бинобарин, инсон муайян қонун, қонуният ва қоидаларга асосланган ҳолда ижтимоий воқеа ва ҳодисаларнинг вужудга келиши, ривожланиши ҳамда оқибатини олдиндан кўриш имкониятига эга [7,8,9].

Фикр арабча тафаккур, ғоя, ақл, ўйлаш, мулоҳаза қилиш каби маъноларни англатади.

1. Бирон нарса, ходиса ёки кимса ҳақида ўй, хаёл.
2. Бирон нарсага нисбатан муносабатни, уни баҳолашни ифодалайдиган ҳукм, хулоса. Нарса ва ҳодисаларни таққослаб ўрганиш, мулоҳаза юритиш натижаси, тўхтам, қарор.

Тафаккур кўпгина фан соҳалари (фалсафа, мантиқ, жамиятшунослик, педагогика, физиология, кибернетика, биология)нинг тадқиқот объекти ҳисобланади... Ижтимоий ҳаётда, таълим жараёни ва ишлаб чиқаришда одамлар ўртасидаги алоқа ва муносабатлар ҳам тафаккур ёрдамида номоён бўлади. Жамоада танқидий қараш, ўзининг ўзи танқид, баҳолаш, текшириш, ўзини ўзи текшириш, назорат қилиш, ўзини ўзи назорат қилиш, гуруҳий мулоҳаза юритишдан иборат тафаккур сифатлари вужудга келади.

Тафаккур объектив олам инъикосининг олий шакли, тушунчалар, назариялар ва ҳ.к. ларда нарса ва ҳодисаларнинг муҳим боғланиш ва алоқаларини акс эттириш, янги назария, ғоя яратиш, бўлажак жараёнларни башорат қилиш кабиларда номоён бўладиган фаол жараён дир.

Тафаккур меҳнат ва нутқ фаолияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолдагина мавжуд. Шу сабабли инсон тафаккури, нутқ билан жуда маҳкам боғланган ҳолда амалга ошади ва унинг натижалари тилда қайд қилинади.

Тафаккур жараёнида нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлиги, ривожланиш қонуниятлари, истиқболи ҳақида билимлар, ғоялар, гипотезалар ҳосил бўлади. Тафаккур жараёнининг натижаси ҳамиша бирон-бир фикрдан иборат бўлади.

Тафаккур – предмет ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим хусусиятлари аниқлайдиган, улар ўртасидаги ички, зарурий алоқалар, яъни қонуний боғланишларни акс этадиган билишнинг рационал босқичи. Тафаккур куйидаги асосий хусусияларга эга:

1) унда воқелик абстрактлашган ва умумлашган ҳолда инъикос қилинади. Ҳиссий билишдан фарқли ўлароқ, тафаккур бизга предметнинг номуҳим, иккинчи даражали (бу одатда билиш олдида турган вазифа билан белгиланади) белгиларидан фикран четлашган, мавҳумлашган ҳолда, эътиборимизни унинг умумий, муҳим, такрорланиб турувчи хусусият ва муносабатларига қаратишимизга имкон беради; 2) тафаккур борликни билвосита акс эттиради. Унда янги билимлар тажрибага ҳар сафар бевосита

муурожаат этмасдан, мавжуд билимларга таянган ҳолда ҳосил қилинади. Фикрлаш бунда предмет ва ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликка асосланади; 3) тафаккур инсоннинг ижодий фаолиятидан иборат. Унда билиш жараёни борликда реал аналогига эга бўлмаган нарсалар юқори – даражада идеаллашган объектлар (масалан, абсолют қаттиқ жисм, идеал газ каби тушунчалар)ни яратиш, турли хил формал тизимларни куриш билан кечади. Улар ёрдамида предмет ва ҳодисаларнинг олдиндан кўриш, башорат қилиш имконияти вужудга келади; 4 тафаккур тил билан узвий алоқада мавжуд. Фикр идеал ҳодиса. У фақат тилда – моддий ҳодисада (товуш тўлқинларида, график чизиқларда) реаллашади, б. кишилар бевосита қабул қила оладиган, ҳис этадиган шаклга киради ва одамларнинг ўзаро фикр алмашиш воситасига айланади. Бошқача айтганда, тил фикрнинг бевосита воқе бўлиш шаклидир.

Тафаккур – инсон томонидан воқеликнинг бевосита ҳиссий идрок қилиб бўлмайдиган объектив хусусиятлари, алоқалари ва муносабатлари билан онгли равишда акс эттирилишини билдиради.

Юқоридаги таърифларни умумлаштирган ҳолда шуни айтиш мумкинки, тафаккур – инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли ва у атроф-оламни билиш қуроли, инсон оқилона амалий фаолиятининг вужудга келиши учун шарт. Тафаккур қилиш жараёни бирон тайёр ечими йўқ муаммоли вазият туғилганда бошланади. Яъни инсон бирон нарсани билиш эҳтиёжи пайдо бўлганда фикрлай бошлайди.

Тафаккур – объектив воқеликнинг фаол инъикоси бўлиб, билимларнинг тушунча, мулоҳаза, фикр, хулоса, назариялар тарзидаги шаклланиши, ҳаракати ва ривожланишидир. Узлуксиз таълим ва айниқса муаммоли таълим, унга хос диалогик хусусият, шакл ва услубларнинг тезлиги тафаккурни ривожлантиришга ёрдам беради.

Тафаккур жараёнида фикр пайдо бўлади, бу фикрлар инсоннинг онгида муҳим тушунчалар шаклини олади. Тафаккур нутқ – тил билан чамбарчас боғланган. Инсонда тафаккур ва нутқ бўлганлиги туфайли у ҳайвонлардан

фарқ қилади ва шу сабабли у онгли мавжудот. Инсон ўз атрофидаги оламда бўлган буюмлар ва ҳодисаларни онгли равишда идрок қилади, онгли равишда эслаб қолади ҳамда эсга туширади ва онгли равишда ҳаракат қилади.

Сезги ва идрокларга, хотира ва тасаввурларга нисбатан тафаккур одамларнинг билиш ва амалий фаолиятида алоҳида аҳамиятга эга. Инсон фикр қилиш фаолияти жараёнида ўз идроки, тасавури ва фикрларининг тўғрилиги, аниқлиги ва ҳақиқийлигини, буларнинг воқеликка мувофиқми ёки мувофиқ эмаслигини белгилаб олади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. *Нажмиддинова Ё.Р. Коллеж талабаларида касбий кўникмаларни ривожлантириш методикаси. Монография. - Тошкент.- "Sano-standart" 2018. 128.б.*

2. *Najmiddinova Yo. R. Conditions of Forming Professional Abilities and Skills on Competence Approach among Colleges Students // Eastern European Scientific Journal. - Germany, 2018. -№4. - P.196-199.*

3. *Najmiddinova Yo. R., Inamov D. D., Davronova M. U., Inamiddinova D. K. METHODOLOGY OF THE FORMATION OF GENERAL VOCATIONAL TRAINING IN STUDENTS OF HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS ON THE BASIS OF COMPETENCY APPROACH // PALARCH'S JOURNAL OF ARCHAEOLOGY OF EGYPT / EGYPTOLOGY, PJAEE, 17 (6) (2020). – 3663-3679 page. <http://www.palarch.nl/index.php/jae/article/view/1482>*

4. *Najmiddinova Yo. R., Ibragimov R. Sh., Yigitaliyev J. A. THE CONCEPT OF ICT COMPETENCE OF PERSONNEL. THE IMPORTANCE OF HAVING ICT COMPLEMENT AND INFORMATION CULTURE // INTERNATIONAL ENGINEERING JOURNAL FOR RESEARCH AND DEVELOPMENT - Vol. 5 Issue 2, March 2020... <http://www.iejrd.com>*

5. *Нажмиддинова Ё.Р., Дадамирзаев М.Ф. Глобальные ориентиры в образовании // Теория и практика современной науки. - Москва., 2016. -№ 3 (9). -С. 329-333.*

6. *Нажмиддинова Ё.Р. Regional training centers: the establishment, implementation, prospects // Высшая школа. – Уфа., 2017. -№ 11. -Б. 40-42.*

7. *Давидов В. В. Теория развивающего обучения. – М.: Академия, 2004. – 288 с.*

8. Альтшуллер Г. С., Верткин И. М. Как стать гением: Жизненная стратегия творческой личности. – Минск: «Беларусь», 1994. -С. - 5.

9. Давидов В. В. Проблемы развивающего обучения – М.: Директ-Медиа, 2008. – 613 с.